

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАҲМЕДОВ ИСМОИЛЖОН КАРИМЖОН ЎҒЛИ**

**ҚЎҚОН ВОҲАСИ ЛАНДШАФТЛАРИНИ ЭКОЛОГИК  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**11.00.01 – Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
geographical sciences**

**Мирзахмедов Исмоилжон Каримжон ўғли**

Кўкон воҳаси ландшафтларини экологик оптималлаштириш ..... 3

**Мирзахмедов Исмоилжон Каримжон угли**

Экологическая оптимизация ландшафтов Кокандского оазиса ..... 23

**Mirzakhmedov Ismoiljon Karimjon ugli**

Ecological optimization of Kokand oasis landscapes ..... 43

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАҲМЕДОВ ИСМОИЛЖОН КАРИМЖОН ЎҒЛИ**

**ҚЎҚОН ВОҲАСИ ЛАНДШАФТЛАРИНИ ЭКОЛОГИК  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**11.00.01 – Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Gr128 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим тармоғига ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Аббасов Субхон Бурханович</b> география фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ўразбаев Абдукарим Кендербаевич</b> география фанлари доктори <b>Қўзибоева Озодхон Махмудовна</b> география фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат педагогика университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 18 декабрь соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (0366) 239-16-36, факс: (0366) 239-19-38; E-mail: [ik-geografiya2018@mail.ru](mailto:ik-geografiya2018@mail.ru). Самарқанд давлат университети, география ва экология факультети).

Диссертация билан Самарқанд далаат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (0366) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2021 йил 06 декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил 06 декабрдаги 17 рақамли реестр баённомаси).



**В.А.Рафиков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., (DSc)

**Б.А.Мелиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.ф.д., (PhD)

**В.А.Рафиков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, г.ф.д., (DSc)

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда аҳоли сонининг ўсиб бориши, уларни табиатга бўлган эҳтиёжнинг ортиши ва янги ерларни ўзлаштирилиши натижасида табиий-антропоген ландшафт комплексларида турли хил ўзгаришлар, чўлланиш, шўрланиш, деградация ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви каби экологик муаммолар кузатилмоқда. Бунга кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш бўйича дастурида “... қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш, бузилган ландшафтларни қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш, биологик хилма-хилликни йўқолишини олдини олиш ...”га қаратилган бир қатор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар арид иқлимли минтақаларда антропоген ва табиий омиллар таъсирида рўй бераётган ландшафт комплексларининг баҳолашни, уларни сунъий йўлдошлар ёрдамида мониторинг қилишни ҳамда ландшафтларнинг экологик барқарорлигини оптималлаштириш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳон миқёсида арид иқлимли ҳудудларда экологик вазиятнинг кескинлашиб бориши, ландшафтларга таъсир этувчи экологик омилларни меъёрлаштириш ҳамда мониторинг ишларини узлуксизлигини таъминлаш, воҳанинг асоси саналадиган ёйилма ландшафтларни микроzonалаштириш ва уларда ландшафт таҳлилини амалга ошириш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Воҳа ландшафтларига турли омилларнинг таъсири, ёйилма ландшафтларининг шаклланиши, тарқалиши ва барқарор ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ҳамда уларни экологик оптималлаштиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда ҳам экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, экологик хавфсизлик ва уни барқарорлаштириш бўйича бир қатор чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 – 2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “... суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш ...”<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, Қўқон воҳаси ландшафтларига таъсир этувчи табиий ва иқтисодий географик омилларнинг ролини аниқлашга доир мақсадли тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси атроф муҳитини муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 сентябрдаги 779-сон “2017–2022–йилларда ер ости чучук сувларини ишлатишни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <http://uza.uz>

кенгайтириш ҳисобига Фарғона водийси аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг кўшимча чора–тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019 – 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма–хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Ер ҳақидаги фанлар”, V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф – муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Воҳа ландшафтларининг шаклланиши ва уларнинг шарт-шароитлари, суғориш ишлари таъсирида ландшафт компонентларининг ўзгариши, воҳа тупроқларининг ўзига ҳос хусусиятларини аниқлаш, воҳаларнинг флора ва фаунаси, ландшафтларнинг экологик мелиоратив ҳолати тўғрисидаги маълумотлар хорижий олимлар A.Cariou, P.Welikhe, L.Xu, C.Conrad, R.Morgan, A.R.Mermut, X.Ren, H.A.Moussa, W.Zhao, C.Bichsel, МДҲ мамлакатлари олимларидан Ю.Г.Саушкин, Ф.Н.Мильков, А.М.Рябчиков, В.А.Николаев, Л.И.Куракова, А.Чибилев, А.Никанорова ўзбекистонлик олимлар Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.Абдулқосимов, А.Мақсудов, В.Исақов, А.Рахматуллаев, А.Н.Нигматов, Х.Ваҳобов, С.Аббасов, А.Ўразбаев, Ю.Султанов, И.Абдуғаниев, Ш.Зокиров, Р.Холиқов, А.Ходжиматов, К.Боймирзаев, О.Қўзибоева, Ҳ.Ҳ.Турсунов, геоботаник олим К.Ш.Тожибоев каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида учрайди.

Бироқ, воҳа ландшафтларини ўрганилиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар серкиррали бўлишига қарамасдан Кўкон воҳаси ландшафтлари алоҳида ўрганилмаган, воҳа ландшафтларининг ўзгариб бориши аниқлаштирилмаган, воҳа ер ости сувларининг воҳа ландшафтларини вужудга келишидаги ва ўзгариб боришидаги таъсири тадқиқ этилмаган, антропоген тазйиқ остида вужудга келган ландшафт – экологик муаммолари ҳамда воҳа ландшафтларидан самарали фойдаланишда математик моделлаштириш каби методларни қўллаш ёрдамида ландшафтларни иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти ва экологик оптималлаштириш масалалари деярли ёритилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тупроқшунослик ва агрохимё институтини ҳамда Наманган давлат университети илмий ишлар режасининг 2019–03 “Навоий, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ хўжалик ерларининг тупроқ мониторинги мақсадларида тадқиқ этиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш” (2019-2020) амалий тадқиқотлар лойиҳаси, шунингдек Наманган давлат

университети илмий-тадқиқот ишлари режасидаги “Фарғона водийсида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг табиий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик омилларини тадқиқ қилишнинг минтақавий хусусиятлари” мавзусида олиб борилаётган мажмуали илмий ишлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қўқон воҳаси ландшафт – экологик шароити ва уларга инсон хўжалик фаолиятининг таъсирини аниқлаш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича илмий – амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Қўқон воҳаси ландшафтларига бағишланган турли илмий, тарихий, космик суратлар ва картографик манбаларни таҳлил қилиш;

Қўқон воҳаси ландшафт комплекслари, тупроқ шўрланиши ва экологик - мелиоратив жиҳатдан районлаштирилишининг 1:100000 масштабни картасини яратиш;

воҳа ландшафт типларидаги экологик вазият ва антропоген таъйик ўртасидаги боғлиқликларни математик моделлаштириш ва статистик таққослаш;

ер ости сувларининг воҳа ландшафтларини вужудга келишидаги ва ўзгариб боришидаги таъсирини тадқиқ этиш кабилардан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қўқон воҳаси танланган, водийда жойлашган бошқа воҳалар эса ёрдамчи объект бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** эса воҳа ландшафтларида инсон хўжалик фаолияти таъсирида рўй бераётган экологик вазиятлар ва уларни экологик жиҳатдан барқарорлаштириш ҳамда оптималлаштириш масалалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда дала тадқиқоти, аэрокосмик, таққослаш, экспедицион, ГАТ технологиялари, картографик, тизимли ва қиёсий таҳлил, олинган статистик маълумотларни графиклар ва жадвалларда тизимлаш ва умумлаштириш каби бир қатор усул ва услублардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Қўқон воҳасида суғориладиган тупроқлар механик таркибининг ўзига хослиги ва қатламланиши, литологик тузилишининг ўзгариб бориши, физик, сув-физик ва бошқа хоссалари асосида шўрланмаган, кучсиз шўрланган, кучли ва жуда кучли шўрланган тупроқлар ҳамда шўрхоқларни вужудга келганлиги ҳамда хўжалик, хўжаликлараро коллекторларни рекультивациялаш орқали Қўқон воҳасида жойлашган сизот сувларининг сатҳини пасайтиришни мелиоратив – экологик муаммоларини ҳал қилиш йўллари асосланган;

Қўқон воҳаси ландшафт комплекслари, тупроқ шўрланиши ва экологик - мелиоратив жиҳатдан районлаштирилган ва landsat 4;5, landsat 7;8 космик суратлар ва ArcGIS дастуридан фойдаланиб 1:100000 масштабни карталари яратилган;

илк бор воҳа ландшафт типларидаги экологик вазият ва антропоген тазйиқ ўртасидаги боғлиқликлар математик моделлаштириш ва статистик таққослаш усуллари орқали аниқланган;

ер ости сувларининг воҳа ландшафтларини вужудга келишидаги ва ўзгариб боришидаги таъсири гидрогеологик нуқтаи-назардан тадқиқ этилган ҳамда экологик – гидрогеологик районларга ажратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қўқон воҳаси ландшафт – экологик муаммоларининг вужудга келишида табиий омилларнинг таъсири аниқланган;

Қўқон воҳаси ландшафтларидаги экологик шароитни оптималлаштириш муаммолари ва ечимларига таклиф ва тавсиялар берилган;

Қўқон воҳасининг тупроқ, флора ва фаунасини антропоген тазйиқ таъсирида ўзгариб бориши асосланган;

Қўқон воҳасининг ландшафт – экологик муаммолари ва уларни оптималлаштириш чора – тадбирлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Қўқон метеостанцияси (М-II), Фарғона вилояти Экология ва атроф–муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Фарғона водийси каналларидан фойдаланиш бошқармаси, Катта Фарғона канали магистрал канали бошқармаси, Фарғона вилояти гидрометеорология бошқармаси, Фарғона вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари статистик маълумотларидан фойдаланилганлиги, Фарғона вилояти Сўх-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, Қўқон шаҳри «Сувоқова» бошқармасининг ташлама сувларни аналитик таҳлил қилиш лабораториясининг натижалари, Landsat космик станциясининг маълумотлар базаси, яратилган ландшафт карталарини амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишини бажариш давомида амалиётга тавсия этилган илмий хулосалар ва ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги, Қўқон воҳаси ландшафтларини экологик жиҳатдан оптималлаштириш, геоэкологик шароитини яхшилашнинг асосий йўналишларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти воҳа табиатидан оқилона фойдаланиш йўл-йўриқларини амалга ошириш учун муҳим омил ҳисобланадиган тузилган карталар ёйилма ландшафтларини бошқариш учун асос бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қўқон воҳаси ландшафтларига антропоген ва табиий омилларнинг таъсирини баҳолаш ва геоэкологик вазиятини оптималлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ландшафт – экологик муаммоларни олдини олиш ва уларни муҳофаза қилиш учун тавсия этилган чора - тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида- амалиётга



жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 11-октябрдаги 03-02/8-1541-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган хўжалик, хўжаликлараро коллекторларни рекультивациялаш орқали Қўқон воҳаси минтақасида жойлашган сизот сувларининг сатҳини пасайтириш ҳамда мелиоратив – экологик муаммоларни ҳал қилиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш имконини берган;

табiiй ресурслардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлигини ошириш, иқлим ўзгаришлари ва тупроқ эрозиясига қарши курашиш асосида, шунингдек, инсон ва ташқи омиллар таъсирида воҳада мақбул ландшафт шароитларни шакллантириш, сақлаб қолиш ва барқарорлаштириш Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23-сентябрдаги 03/27-2722-сон маълумотномаси). Натижада Қўқон воҳасида мавжуд суғориш иншоотларини реконструкция қилиш, ерларни рекультивациялаш орқали сизот сувларининг сатҳини пасайтиришга эришиш натижасида мелиоратив-экологик шароитларни яхшилаш бўйича хулосалар ишлаб чиқиш имконини берган;

Қўқон воҳасида қишлоқ хўжалик экинларини тупроқ типларига мослаштириб жойлаштириш, ҳосилдорлик даражасини ошишига шунингдек, интенсив боғларни барпо этилиши, янги боғлар ва токзорлар барпо этиш ҳамда улар орасига сабзаёт экинларини экилишига оид тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2021 йил 11-октябрдаги 03-02/8-1541-сон маълумотномаси). Натижада озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайишига, қолаверса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланишига, энг муҳими тупроқ ва ландшафт-экологик муаммоларни ижобий ҳал этилишига эришилган;

Қўқон воҳасида тарқалган тупроқлар унумдорлиги ва ландшафтлар маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи сув ва шамол эрозияси кенг тарқалган бўлиб, воҳадаги барча эрозион хавфли ҳудудлар ювилишига ва жарланишга осон берилувчанлигини олдини олиш учун эрозияга қарши чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 11-октябрдаги 03-02/8-1541-сон маълумотномаси). Натижада, эрозияга қарши чора-тадбирларни янада кучайтириш имконини берган;

Қўқон воҳаси ҳудудининг экологик ҳолатига таъсир этувчи гидрогеологик жиҳатлар таҳлил қилиниши орқали экологик – гидрогеологик районлар ҳамда воҳа ландшафтларини тадқиқ этиш жараёнида геокомплексларни тадрижий ривожланишидаги қиёсий географик, ландшафт – геокимёвий услублардан фойдаланилиб ажратилган экологик – мелиоратив районлари ва карталаридан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-

муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2021 йил 11-октябрдаги 03-02/8-1541-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу карталардан воҳанинг ландшафт ва экологик – мелиоратив шароитини баҳолаш ҳамда ландшафт-экологик шароитини оптималлаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 12 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 3 таси республика, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 153 саҳифани ташкил қилади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқ этиш методологияси ва методлари, илмий янгилиги, амалий натижалари, ҳимояга олиб чиқилган ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Воҳалар ва уларни тадқиқ этишнинг назарий асослари”** деб номланиб, воҳа ландшафтлари, ландшафтларнинг тадқиқ этиш методлари ва методологияси, воҳаларнинг морфологик хусусиятлари ҳамда уларни тадқиқ этишнинг географик асослари ёритиб берилган.

Воҳа ландшафтлари узоқ йиллардан буён обикор деҳқончилик қилиниши ва кишиларнинг сурункали таъсирида кескин ўзгарган антропоген ландшафтларнинг таркибий қисмидир. Воҳа ландшафтлари табиий ландшафтларга ўхшаш бўлсада, ўзининг тузилмасининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Шунинг учун воҳа ландшафтлари унумдорлиги, таркибининг яхшиланиб бориши, тупроқлари таркибидаги чиринди миқдорининг кўпайиб бориши ва унинг тупроқ қатламлари бўйлаб бир текис тақсимланиши, агроирригация (суғориш таъсирида тупроқлар таркибига лойқа жинсларнинг қўшилиб бориши) ётқизиқларининг мавжудлиги билан

табiiй ландшафтлардан фарқ қилади. Воҳаларда кўп асрлардан буён интенсив деҳқончилик қилиб келиниши натижасида табиий тупроқ ва ўсимлик қоплами ўрнини воҳа маданий тупроқ, ўсимликлари эгаллаган.



**1-расм. Кўқон воҳасининг ландшафт картаси**

**Кўқон воҳасининг ландшафт картаси легендаси.** Сўх конуссимон ёйилмаси жой типии: 1-ёйилмадаги қадимдан суғориладиган маданийлашган оч-тусли бўз тупроқларда шакланган агроландшафтлар; 2-шағалли сур-қўнғир тупроқларда ривожланган шувок-эфемер формацияли чўл ландшафт комплекси; 3-тошлоқ, юпка қатламли сур-қўнғир тупроқларда таркиб топган боялич-шувок формацияли чўл ландшафт комплекси; 4-қадимдан кольматаж қилинган маданий тупроқларда шакланган агроландшафтлар; 5-янгидан кольматаж қилинган маданий тупроқларда барпо этилган агроландшафтлар; 6-мустахамланган қумли чўл ландшафт комплекси; 7-кам шўрланган маданийлашган ўтлоқ-тақир тупроқларда вужудга келган агроландшафтлар; 8-қалин ирригацион ётқизикли маданийлашган ўтлоқ тупроқларда шакланган агроландшафтлар; 9-қадимдан суғориладиган ва ўртача шўрланган маданийлашган ўтлоқ тупроқларда таркиб топган агроландшафтлар; 10-ўртача қалинликдаги ирригацион ётқизикли маданийлашган ўтлоқ, ботқоқ-ўтлоқ тупроқларда шакланган агроландшафтлар; 11-шўрхоқ ва ўтлоқ-шўрхоқ чўл ландшафт комплекслари; 12-қалин ирригацион ётқизикли маданийлашган ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда вужудга келган ўртача шўрланган агроландшафтлар; 13-юпка ирригацион ётқизикли маданийлашган ўтлоқ-ботқоқ тупроқлардаги ўртача шўрланган агро-

ландшафтлар; 14-ўртача ва кучли шўрланган маданийлашган ўтлоқ тупроқларда барпо этилган агроландшафтлар; 15-ўртача ва кучли шўрланган маданийлашган ботқоқ-ўтлоқ тупроқли агроландшафтлар; 16-кам шўрланган маданийлашган ўтлоқ-чўл тупроқларда вужудга келган агроландшафтлар; 17-кам шўрланган маданийлашган ўтлоқ тупроқли агроландшафтлар; 18-гипслашган гиллардаги шўрхоқлар аралаш маданийлашган ўтлоқ тупроқлардаги агроландшафтлар; 19- юпқа ирригацион ётқизиқлардаги маданийлашган ўтлоқ ва ботқоқ-ўтлоқ тупроқли агроландшафтлар; 20-ўртача шўрланган маданийлашган ўтлоқ тупроқларда яратилган агроландшафтлар; 21-кучли шўрланган маданийлашган ўтлоқ тупроқлардаги агроландшафтлар; 22-зич гипс қатламлар устидаги кам шўрланган маданийлашган ўтлоқ тупроқлаги агроландшафтлар; 23-шаҳар ва қишлоқ селитеб ландшафт комплекслари; 24-дарё ва сойларнинг қумоқ-шағал ётқизиқлари ҳамда дўнг қумли чўл ландшафт комплекслари; 25-ирригацион ландшафтлар; 26-дарё ва сой ўзанилари; 27-ихота дарахтзорлар; 28-маданийлашган ўтлоқ-ботқоқ шўрхоқ ландшафт комплекслари.

Воҳа ландшафтлари бевосита суғорма деҳқончилик ва инсонларнинг узоқ йиллик меҳнати самараси ҳисобланади. Воҳаларнинг вужудга келиши ва шаклланишида инсонлар томонидан олиб борилган ўзлаштириш ва агротехник тадбирларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Воҳа ландшафтлари табиий ландшафтларнинг ўзгариши ва қулайликлаштирилиши натижасида ҳосил бўлган антропоген ландшафт ҳисоблансада, инсониятнинг табиатга нотўғри таъсири оқибатида бутунлай бузилган ландшафтларга айланиши ҳам мумкин. Бундай жараёнлар воҳалардаги экологик муаммоларнинг ривожланиб кетиши натижасида келиб чиқади, бу эса ўз навбатида воҳаларда ноҳуш ландшафт – экологик муаммоларни келтириб чиқаради.

Қўқон воҳасида вужудга келган ландшафт – экологик муаммоларни ўрганиш, уларни аэрокосмик сурьатлар орқали ҳар томонлама таҳлил қилиш, воҳалар қўламининг ўзгариш сабаблари, ушбу ҳудудларда суғоришнинг самарали ташкил этиш муаммоларини аниқлаш ҳамда суғоришни самарали ташкил этиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Табиатда объектив мавжуд бўлган ва инсоннинг яратувчанлик хўжалик фаолияти натижасида вужудга келган ҳамда барқарор ривожланиб бораётган воҳа ландшафт комплексларини дала шароитида мажмуали тадқиқ этиш, уларни ажратиш, чегаралаш ва турли масштабларда карталаштириш нафақат ҳозирги даврда, балки келажакда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади. Шунингдек, воҳа ландшафтларининг йирик масштабли карталари тузилмаганлиги, воҳа ландшафтларининг ўзгариб бориши ўрганилмаганлиги ҳамда ер ости сувлари ва иқлимнинг воҳа ландшафтларини вужудга келишидаги ва ўзгариб боришидаги таъсири тадқиқ этилмаганлиги долзарб масала эканлиги ҳулоса қилинган бўлиб, илмий тадқиқот жараёнида ГАТ дан фойдаланилиб Қўқон воҳасининг ландшафт картаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Ушбу карта назарий ва амалий жиҳатдан ландшафт-экологик, ландшафт-мелиоратив, ландшафт архитектура, ландшафт кадастри, тиббий-ландшафт, ландшафт-эпидемиологик каби карталарни тузишда методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби “Қўқон воҳасининг морфологик тузилиши ва хусусиятлари” деб номланган. Унда воҳанинг вужудга келиши ва шаклланиш тарихи, геологик ва тектоник тузилиши, геоморфологияси, ландшафт-экологик шароитни вужудга келишида иқлимий ҳамда гидроген омиллар, тупроқ-экологик шароити ва уларга эрозион жараёнлари, флора ва фаунанинг антропоген омиллар таъсирида ўзгариб бориши ёритилган.

Тўпланган дала материаллари ва илмий адабиётлар таҳлили асосида, Фарғона водийсида инсон хўжалик фаолияти таъсирида вужудга келган ландшафт комплекслари кенг тарқалганлигини ва улар орасида воҳа ландшафтлари катта майдонни эгаллаганлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, Қўқон воҳаси Фарғона водийсининг жанубий – ғарбий қисмида жойлашган Сўх конуссимон ёйилмасида шаклланган. Қўқон воҳаси табиатининг умумий хусусиятларига кўра водийнинг бошқа ҳудудларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Чунки Фарғона водийсига кириб келадиган ҳар қандай ҳаво оқимлари дастлаб Қўқон воҳаси жойлашган ҳудудларга ўз таъсирини ўтказди. Қўқон воҳасида ҳаво ҳарорати жанубдан шимолга томон “рельеф экспозицияси”га боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Денгиз сатҳидан 405 метр баландда жойлашган Қўқон шаҳри яқинида июл ойининг ўртача ҳарорати 26,8° ни, энг юқори ҳарорат 42° ни ташкил этса, январнинг ўртача ҳарорати Қўқонда – 2,2° ни, энг совуқ ҳарорат эса – 31,1° гача пасайиши мумкин.

Қўқон воҳасидаги иқлим хусусиятлари ва уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мақсадида воҳанинг марказий қисмида жойлашган Қўқон метеостанцияси маълумотлари таҳлил қилинди. Қўқон метеостанциясида кузатилган ўртача ойлик ҳарорат иқлим ўзгаришига мос равишда даврларига мос равишда 1930-1945, 1946-1975 ва 1976-2020 йиллар бўйича ҳаво ҳароратининг ўртача қийматлари ҳисоблаб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал


### Қўқон воҳаси ҳароратидаги ўзгаришлар

Ойлар	Даврлар		
	1930-1945	1946-1975	1976-2020
I	-2,86	-1,67	0,06
II	1,81	1,91	3,12
III	8,07	8,37	9,48
IV	16,06	16,14	16,40
V	21,59	21,51	21,60
VI	25,79	25,52	26,44
VII	27,64	27,13	28,30
VIII	25,47	24,97	26,85
IX	19,69	19,86	21,56
X	12,93	12,70	14,37
XI	5,20	5,15	7,59
XII	0,43	0,29	1,95
йиллик	13,49	13,49	14,65


Жадвал Қўқон метеостанцияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган бўлиб, Қўқон воҳасида ўртача йиллик ҳарорат 1930-1945 йилларга нисбатан 1946-1975 йилларда ўзгармаганини кўришимиз мумкин. Ўртача йиллик ҳарорат 13,49 °С га тенг бўлган. Ҳароратнинг кескин исиши шароити, 1976-2020 йилларда аввалги даврларга нисбатан 1,16 га кўтарилиб, 14,65 °С га етган. Иқлим ўзгаришининг трентсиз шароитида май – август, октябрь – декабрь ойларининг ўртача ҳароратлари оз миқдорда пасайган. Ўтган асрнинг охири чорагида бошланган иқлимнинг кескин исиши шароитида воҳа ҳудудида ҳарорат барча ойларда кўтарилиб борган. Айниқса, январь, август, ноябр ойларида ўртача ойлик ҳарорат сезиларли даражада кўтарилган.

Қўқон воҳасида ҳаво ҳароратнинг ўзгаришини ва ўртача йиллик атмосфера ёғинларини аниқлаш мақсадида Қўқон метеостанциясида кузатилган ўртача йиллик ҳароратнинг хронологик графиги тузилди (2-расм). График 1930-1945 йилларда ҳароратни бироз кўтарилиб, 1946-1975 йилларда ўртачага яқин бўлганини тасдиқлайди. Иқлимнинг кескин исиши шароитида Қўқон воҳасида ҳароратни кўтарилиб бораётганини 1976- йилдан кейинги даврда кўришимиз мумкин.



**2- расм. Қўқон метеостанцияси ўртача йиллик ҳароратнинг хронологик графиги**



**3- расм. Қўқон метеостанциясида ўлчанган ўртача йиллик ёғин миқдорининг хронологик графиги**

Олиб борилган изланишлар Қўқон воҳаси ландшафтларида иқлим элементларидан энергия оқими ва унинг ўзгаришини аниқлаш мумкинлигини, аммо бу жуда мураккаб масала эканлиги, кўп вақт ва меҳнат талаб қилишини кўрсатди. Чунки воҳада тарқалган барча ландшафт типларида иссиқлик энергиясининг тўпланиш тезлиги кун сайин, соат сайин, ҳаттоки дақиқада ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар эса жуда кўп омилларга боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларининг яъни Бувайда туманида 5,2 %, Данғара туманида 4,2 %, Фурқат туманида 1,6 % қисмини кўп йиллик дарахтзорлар эгаллайди. Бу туманлар ҳудуди асосан текисликда жойлашган бўлиб катта қисми қишлоқ хўжалик экинлари майдонлари ҳиссасига тўғри келади. Асосан экин экиладиган далалар атрофида шамоллар тезлигини камайтириш, тупроқларни эрозиядан ҳимоялаш мақсадида тут ва тол дарахтлари экилган бўлиб, ҳозирги кунда бу дарахтзорлар майдони деярли йўқолиб бормоқда. Жумладан, Фарғона водийсининг 500 минг гектар майдонидаги тупроқлар турли кўринишдаги эрозияга тортилган, унга кўра суғориладиган ерларда 160 минг гектар, лалмикор ерларда 40 минг ва жарланиш эрозиясига тортилган ерлар 80 минг гектардан иборат, дефляция эса 90 минг гектарни ташкил этилиши аниқланган. Бундай экологик ҳолатни келиб чиқиш сабабларини тадқиқот жараёнида бевосита воҳада аҳоли сонининг ортиб бориши билан боғладик.

Қўқон воҳасида ер ости сувлари сатҳи айрим ҳолларда дарёлар оқимида боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгаради. Масалан, Сўх дарёси ҳавзасининг айрим ҳудудларида жойлашган ер ости сувлари сатҳининг ўзгаришлари дарё оқимида мос келмайди. Бу жойларда ер ости сувлари сатҳи 1960 – 1990 йиллар орасида пастлаб борган. 1990 йилдан кейин бироз кўтарилган. Сўх дарёси оқими эса 1960 йилдан ортиб бормоқда.

Олиб борилган тадқиқотларимиз давомида Қўқон воҳасининг геологик ҳамда геоморфологик тузилиши ўрганилиб, уни мураккаб тўртламчи давр ётқизиқларидан иборат эканлиги аниқланди ва иккита кесмага ажратилди:

1. Биринчи кесма воҳанинг жанубий қисми адир этақларидаги текисликлардан иборат бўлган ҳудудни ўз ичига олади. Бу ҳудуд асосан харсанг тош, кумтош, шағал ва кумлар аралашмасидан иборат. Кесмани қуйи қисми шимолда Катта Фарғона каналининг жанубий соҳилларига тўғри келади. Бу қатламда соз тупроқ ва қумоқ тупроқлар қалинлиги 10-20 метрни ташкил этади.

2. Иккинчи кесма Катта Фарғона каналининг шимолий соҳилларидан Марказий Фарғона чўлларигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади. Кесманинг бу қисмида асосан суғориладиган ўтлоқ, оч тусли бўз, оддий бўз, ўтлоқ-ботқоқ, шўрхоқ ва қумоқ тупроқлар тарқалган.

Мазкур икки кесма асосида воҳанинг гидрогеологик шароити ҳам таҳлил қилинди. Биринчи кесма ўтказилган ҳудудда ер ости грунт сувларининг сатҳи бироз қуйида, 10 м баъзан ундан ҳам чуқурроқда ётади. Ер ости сувларининг минераллашув жараёни ҳам жуда юқори эмас. Артезиан сувлари ҳам босимсиз ва анча чуқурда жойлашган. Асосан харсанг тош,

қумтош, шағал ва қумлар аралашмасидан ташкил топганлиги сабабли сувнинг шимилиши ҳам жуда юқори.

Ўтказилган иккинчи кесмада шаклланган ер ости сувларининг асосий қисми шу ҳудудларда ҳосил бўлади. Иккинчи кесма ҳудудида ер ости грунт сувлари ер бетига нисбатан яқинда, 0,5-1,0 метр, баъзан ундан ҳам юзага яқин жойлашган. Тупроқ шўрланишининг асосий сабаби ҳам шу грунт сувлар сатҳи билан боғлиқ. Артезиан сувлари кўп ҳолларда босимли бўлади. Катта Фарғона каналининг шимолий соҳилларидаги баъзи жойларда 50-60 метр чуқурликдан босимли артезиан сувлари топилган.

Қўқон воҳаси ҳудудининг экологик ҳолатига таъсир этувчи гидрогеологик жиҳатлар таҳлил қилиниши орқали қуйидаги экологик – гидрогеологик районларга (Мирзахмедов И.К., 2020) ажратилди:

1. Экологик – гидрогеологик ҳолати қониқарли район. Бу районда ер ости сувларининг умумий қаттиқлиги ва чўкинди қолдиқ 1,0 РЭМгача, бошқа ифлослантувчи компонентлар 0,5 РЭМ атрофида. Муҳандис геологик жараёнларнинг ривожланиши суст. Геологик муҳитнинг чидамлилиқ даражаси юқори. Бу районга воҳанинг марказий қисми, Қўқонсой ва Собиржон ариғининг ўртасидаги майдонни эгаллайди. Шўрланмаган, кадмий, мишьяк, алюминий, селень хромларнинг миқдори 0,3-0,4 РЭМгача, пестицидлар-0,5 РЭМгача, нефт маҳсулотлари билан ифлосланиш кузатилмаган.

2. Экологик – гидрогеологик ҳолати шартли қониқарли район. Ер ости сувлари умумий қаттиқлиги ва қуруқ қолдиқлари 1,5 РЭМ гача ва бошқа ифлослантувчи компонентлар 1,0 РЭМгача. Бу район ҚФКнинг қуйи қисми, шарқдан Собиржон ариғи, шимолдан Қўқон шаҳри оралиғини ўз ичига олади. Мазкур районда ер ости сувлари таркиби мавсумга қараб ўзгаради, чўкинди қолдиқ 0,5 г/л баҳорда, кузда эса 0,2-0,3 г/л умумий қаттиқлик 3,2-5,9 мг-экв/л гача ўзгарган.

3. Экологик – гидрогеологик ҳолати танг хавфли район. Бу ҳудудда ер ости ва ер усти сувлари, тупроқ, ҳаво аэрация зонаси ҳар хил унсурлар билан ифлосланган. Ифлосланиш меъёри 1,0-2,0 РЭМ гача баъзи жойларда ундан ҳам юқори. Бу районга ҳам табиатини муҳофаза қилиш бўйича юқоридаги биринчи ва иккинчи райондаги тавсиялар берилди.

Қўқон воҳаси ҳудудида минераллашган грунт сувлари ер юзасига яқин ётган жойларда ўртача ва кучли парчаланган суғориладиган ўтлоқ, ботқоқ – ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар ҳамда шўрхоқлар яхши ривожланган бўлиб, бу тупроқларда шўрланиш ва чўлланиш жараёни жуда фаол эканлигини кўришимиз мумкин (4-расм). Суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражаси бевосита ер ости сувларининг минераллаши даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ер ости сувлари таркибида минерал тузлар миқдори қанча кам бўлса агротупроқлар шунчалик даражада кам шўрланади, акс ҳолда ер ости сувларининг минераллашиш даражаси қанча юқори бўлса тупроқлар шунча кучли шўрланади.


Тупроқнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашнинг асосий белгиларидан бири унинг гумус қатламини эрозион ювилганлик даражасидир. Ана шундай



мезонга асосланиб, тупроқларнинг гумус қатламини ювилганлик даражасини бешта тоифага бўлинади (И.Мирзаҳмедов, 2020) ва уларни қуйидаги 100 балли кўринишда баҳоланади:

- Ювилмаган тупроқлар, гумус қатлами яхши сақланган ва бузилмаган 86 – 100 балл;

- Кам ювилган тупроқлар, гумус қатламининг 10 – 20 % и ювилган 71 – 85 балл;



Изоҳ: Фарғона вилояти статистика бошқармаси (2020) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

#### 4 – расм. Қўқон воҳаси суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг шўрланиш даражаси бўйича майдони (га ҳисобида)

- Ўртача ювилган тупроқлар, гумус қатламининг 20 – 30 % и ювилган 56 – 70 балл;

- Кучли ювилган тупроқлар, гумус қатламининг 30 – 40 % и ювилган 31 – 55 баллгача;

- Жуда кучли ювилган тупроқлар, гумус қатламининг 40 % ва ундан кўпроқ қисми ювилган, кўп жойларда она жинслар юзага чиқиб қолган 0 – 30 баллгача).

Қўқон воҳасининг барча қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчилар томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш, айниқса органик ўғитлардан кенг фойдаланиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда тупроқлар деградациясини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва салбий

оқибатларини бартараф этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Қўқон воҳасининг ҳозирги ўсимлик қоплами кишиларнинг кўп асрлик хўжалик фаолияти таъсирида ўзининг дастлабки табиийлигини йўқотган. Марказий Фарғонанинг қумли ва шўрхок чўлларининг, проллювиал текислик ва адир грядаларининг чала чўл ўсимликлари, дарё ва сойларнинг қайирларидаги тўқайзорлар тамомила дегредациялашган. Бир неча минг йиллар давомида барпо этилган воҳа ландшафтларида ва янги ўзлаштирилган антропоген ландшафтларда маданий ўсимликлар таркиб топган.

Диссертациянинг **“Қўқон воҳасининг ландшафт-экологик муаммолари ва уларни оптималлаштириш чора-тадбирлари”** деб номланган учинчи бобида ландшафт-экологик вазиятларни вужудга келтирувчи омиллар, ландшафт-экологик шароитни оптималлаштиришда математик моделлаштириш усулидан фойдаланиш ва уларни баҳолаш, воҳа ландшафтларидаги экологик шароитни оптималлаштириш муаммолари ва ечимлари, ландшафтлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг бошқариш муаммолари ҳамда воҳа ландшафтларининг экологик–мелиоратив жиҳатидан ўрганилиши ва районлаштирилиши бўйича амалий ишлар ёритиб ўтилган.

Қўқон воҳасининг ландшафтлари ва уларнинг таркибий қисми бўлган барча ландшафтлар шу даражада ўзгартирилганки, уларнинг ичида асл табиий қиёфасини сақлаб қолган табиий геокомплексларни топиш қийин. Воҳа ландшафтларини ҳосил қилган компонентлар мажмуасида инсон хўжалик фаолияти туфайли вужудга келган кўплаб геоэкологик шароитлар шаклланган. Буларга қуйидаги ландшафт – экологик муаммоларни киритиш мумкин:

- ўзлаштирилган ерларда шаклланган агроландшафтлардан самарали фойдаланиш тўла амалга оширилмаётганлиги, табиий ва иқтисодий географик омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини ландшафт типларига мос ҳолда жойлаштириш суст олиб борилаётганлиги;
- атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни йилдан – йилга кўпайиб бораётганлиги;
- ички сувларни зарарли ва заҳарли бирикмалар билан ифлосланиши;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нитратлар, пестицидлар каби кимёвий минераллар билан заҳарланиши;
